

# ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА  
ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ  
ОРГАНИ

● 2003 йил, 24 апрель, пайшанба № 50 (1782).

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ  
ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 24 апреля, 2003 г. № 50 (1782).

Газета издается с 24 июня 1992 г.

● В розницу — цена свободная.

## Ўзбекистон — Руминия: ҳамфикрлик ва ҳайрихоҳлик — тараққиёт омили

Руминия Президенти Ион Илиеску расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди.

22 апрель куни «Дурмон» қароргоҳида расмий кутиб олиш маросимидан кейин Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Руминия раҳбари билан яккама-якка суҳбатлашди. Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқбол, халқаро муаммолар ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди. Президентлар икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш, халқаро миқёсдаги долзарб муаммолар юзасидан фикрлашар экан, Ўзбекистон ва Руминиянинг қарашлари ва муносабатлари яқин эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон раҳбарияти Руминияда кечаётган иқтисодий жараёнларни катта қизиқиш билан кузатиб боради. Руминиянинг Европа ҳамжамияти ва Евро-Атлантика тўғрисида интеграциялашши йўлидаги саясий-ҳаракатларини юқори баҳолайди ва унинг бу борадаги ютуқлари икки томонлама ҳамкорлик ривожини учун янги имкониятлар очишига қатъий ишонч билан қарайди.

Ўз навбатида, Руминия Ўзбекистоннинг жаҳон сийosat майдонидаги фаол ҳаракатларини ва халқаро аксилтеррор коалициясига қўсатётган ёрдамини юксак қадрлайди.

Икки мамлакат раҳбарияти ҳам БМТ, ЕХҲТ, НАТО

каби халқаро ташкилотлар доирасида халқаро террорчилик, диний экстремизм, уюшган жиноятчилик, курорлар ва наркотик моддалар контрабандаси, миллий, минтақавий ва дунёвий хавфсизликка таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарларга қарши биргаликда курашиш лозим, деган фикрini ёқлайди.

Ҳозирги кунда долзарб бўлиб турган Ироқ масаласида ҳам томонларнинг қарашлари бир хил. Ўзбекистон ва Руминия раҳбарлари ушбу мамлакатдаги можаро тезроқ ҳал этилишининг тарафдори эканликларини таъкидлар экан, АҚШ раҳбарлигидаги халқаро коалициянинг Ироқни қуролсизлантириш йўлидаги сиёсатини қўллаб-қувватлашни маълум қилди.

Президентлар ўзаро муносабатларни муҳокама қилиб, савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолатидан қониқиб бўлмастлигини таъкидлади. Турли объектив ва субъектив сабабларга кўра, айни пайтда ўзаро савдо, сармою оқимининг ҳажми нисбатан паст даражага тушиб қолган. Шу муносабат билан Президент Ислам Каримов Руминия раҳбарининг ташрифини ўзаро сиёсий, иқтисодий, маданий ва иқтисодий алоқалар кўламининг кенгайтиришга интилиш белгиси сифатида баҳолар экан, мамлакатларимизда ҳамкорликнинг ишга солинмаган имкониятлари захираси катта экан-

лигини қайд этди.

Ўзбекистон ва Руминия расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида ҳам иқтисодий масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Руминияга кимё, нефть кимёси, тўқимачилик саноати маҳсулотлари, қурилиш материаллари, минерал ўғитлар экспорт қилиши, у ердан эса Мебелсозликнинг, мрамар ва гранитга ишлов бериш саноатининг сифатли, синалган ва айни вақтда нисбатан арзон технологиялари, чарм маҳсулотлар, пойафзал келтириши мумкинлигини айтди. Булар қаторида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш каби тармоқлар бўйича қўшма корхоналар тузиш, сармоювий лойиҳаларда биргаликда қатнашиш, сайёҳлик соҳасидаги ва банклараро ҳамкорликни ривожлантириш таклифлари илгари сурилди. Масалан, Ўзбекистон ва Руминия банклари ўртасида вакиллик муносабатлари ўрнатилган, лекин амалда жуда кам операция бажарилди.

Ислам Каримов транспорт коммуникацияси масалаларига доим алоҳида эътибор билан қараб келади. Зеро, бу соҳа савдо-иқтисодий алоқаларга кучли таъсир қўрсатувчи омиллардан биридир. Руминия мисолида Констанца бандаргоҳи бунга яққол мисол бўла олади. Ўзбекистон товарларини Европа мамлакатларига етказиш ва у ердан маҳсулот келтиришининг энг яқин йўли шу ердан ўтади. Лекин, очик айтганда, тарифлар мувофиқлаштирилмагани боис ундан фойдаланишда яқин ҳамкорлик қилинган, деб бўлмайди. Ислам Каримовнинг айтишича, Констанцада 1 тонна пахтаги юкни, тушириш, сақлаш ва ташини хизмати 117 АҚШ долларига (Давоми 2-бетда).

## ● ИДУТ КОНТРОЛЬНЫЕ ЗАНЯТИЯ ДОСТИГНУТОЕ — НЕ ПРЕДЕЛ

Близится к завершению сдача воинскими подразделениями Министерства обороны контрольной проверки за зимний период обучения. В числе тех, кто в ходе этих занятий по всем воинским дисциплинам получил высокие результаты, — старший механик узла связи рядовой Нельмажон Юсупов.

Его успехи закономерны. В течение всего учебного периода рядовой Нельмажон Юсупов серьезнейшим образом занимался повышением своего боевого мастерства. Юсупова постоянно можно было увидеть занимающимся то в техническом классе, то в комнате общественной информации,

в спортивном городке. — Помнится, — говорит рядовой Юсупов, — до службы в армии я мог подтягиваться на перекладине всего лишь 6—8 раз, да и на беговых дорожках «хромал».



Сейчас же для меня совсем не трудно подтянуться на турнике 15—16 раз (что выше требований отличного норматива), легко могу пробежать кросс и стомет-

(Окончание на 2-й стр.)

## „Биринчилар қатори ш ай м а н“

Қар қандай янгиликни ҳам ҳаётга бирдангина татиқ этишининг ўзи бўлмайди. Таъбир жоиз бўлса, унинг моҳиятини кенг оммага атрофлича тушунтириш, тарғибот-таъбиқот ишларини олиб бориш талаб этилади. «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунда белги-ланган янги хизмат тури — сафарбарлик қақруви резервидаги ҳарбий хизмат қақрида гап кетганда ҳам шулар ҳаёдан ўтади.

Яқинда Жиззах вилояти ҳокими У. Яманқулов раислигида бўлиб ўтган йиғилишда ҳам асосий эътибор

янги хизмат тури, уни тарғиб-таъбиқот этиш масаласига қаратилди. Йиғилишда туман ҳокимлари, вилоят мудофаа ишлари бошқармаси, туман мудофаа ишлари бўлиmlари, ҳуқуқ-тартибот органлари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раҳбарлари иштирок этишди. Тадбирда сузга чиққан вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиги подполковник В. Аширматов сафарбарлик қақруви резервидаги ишларни атрофлича таҳлил қилди.

(Давоми 2-бетда).

## Ишонч телефони

Ҳарбий хизматчилар ва улар онла аъзоларининг иқтисодий ҳимоясини таъминлаш, уюшқоқлик ва тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, ҳарбий қисм ва муассасаларда салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир ҳарбий хизматчи маъмур масалалар бўйича ҳар кун соат 9.00 дан 19.00 гача Мудофаа вазирлигидаги қўйидаги «ишонч телефони»ларига қўнғироқ қилиши мумкин: 169-82-08 (Тарбиявий ишлар бош бошқармаси); 169-11-72 (Мудофаа вазирлиги юридик хизмати); шунингдек, сиз 169-84-38 (қақрув ва резервчиларни тайёрлаш бошқармаси) телефонида қўнғироқ қилиб, ўтказилаётган қақрув кампаниясига тегишли саволлар билан мурожаат қилишингиз мумкин.

(ЎЗА),

## Ишонч ёрлиқлари топширилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга 23 апрель куни Оқсароғда Дания Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ларс Виссинг Ишонч ёрлиғи топширди.

Мамлакатимиз раҳбари элчини шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани муносабати билан қутлар экан, Ўзбекистон — Дания алоқалари ҳар томонлама ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

Икки мамлакат сиёсий жаҳада фаол ҳамкорлик қилмоқда, халқаро муаммоларга муносабатларида ҳам яқинлик ва ўхшашлик жиҳатлар талайгина. Айни пайтда мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар пайдо бўлмоқда. Ўзбекистон ва Дания мутахассислари Афғонистондаги тикланиш, Ироқдаги янгилаштириш ишларида ҳамкорликда иштирок этиши мумкин.

Элчи Дания ҳукумати Ўзбекистон билан ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўламининг кенгайтириш, ишбилармонларнинг мулоқотини фаоллаштириш истагида

эканлигини, ўзи эса бундай хайрли мақсадлар амалга ошириш учун куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

Президент Ислам Каримов шу кунни Белгия Қироллигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Андре Мервьедан Ишонч ёрлиғи қабул қилиб олди.

Белгиялик бу дипломат Ўзбекистонда илгари ҳам бўлган, мамлакатимиздаги шарт-шароит, амалга оширилаётган ислохотлар жараёни, иқтисодий салоҳиятимиздан яхши хабардор.

Элчи билан суҳбат чоғида Ислам Каримов Ўзбекистон — Белгия муносабатларини ривожлантириш имкониятлари кўпчилигини, уларни тўлиқ ишга солиш икки мамлакат учун ҳам фойдали бўлишини таъкидлади.

Белгия элчиси икки томонлама ҳамкорлик, айниқса савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ишига ҳисса қўшини ўзи учун бош мақсад сифатида белгилганини ва Ўзбекистондаги миссиясини аса ўзи учун шараф деб билишини айтди.

Ислам Каримов элчига

муваффақият тилади.

Ўзбекистон Президентига Австралиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Лесли Адриан Роу ҳам Ишонч ёрлиғи топширди.

Мамлакатларимиз жуғрофий жиҳатдан бир-бирдан анча олинса жойлашганига қарамай, Ўзбекистон ва Австралияда ўзаро муносабатларни ривожлантириш учун талай имкониятлар мавжуд. Жумладан, Австралия томони Ўзбекистондаги фойдали қазилмалар конларини топиш ва ўзлаштиришга қизиқиш билдирмоқда. Умуман, Австралия сармоюсини жалб этиш мумкин бўлган соҳалар талайгина.

Президент Ислам Каримовнинг элчи билан суҳбатида Ироқ ва Афғонистонда амалга оширилажак тикланиш лойиҳаларида биргаликда иштирок этиш имкониятлари ҳам мавжудлиги алоҳида таъкидланди.

Австралия элчиси мамлакатларимиз ҳамкорлигини янада ривожлантириш йўлида куч-ғайратини аямаслигини маълум қилди.

# Ўзбекистон—Руминия: ҳамкорлик ва ҳайрихоҳлик— тараққиёт омили

(Давоми. Боши 1-бетда).  
тенг. Украинанинг Ильичёвск бандаргоҳида эса айни шундай хизмат учун 72 доллар туланади. Шу муносабат билан Президентлар Ўзбекистон—Руминия ҳукуматлараро иқтисодий кенгаши ҳамда савдо, молия, транспорт соҳаси муассасаларига бу масалани имкон қадар тез ҳал қилиш топшириғини берди.

Иқтисодий мавзуда сўз кетганда, Ўзбекистон ва Руминия яна бир муҳим жиҳат бир-бирига яқинлаштиришни таъкидлаб ўтиш жоиз. Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг аввалги мажлиси Бухарестда ўтган эди. Бу йил анжуманига Тошкент мезбонлик қилади. Ўзбекистон делегацияси Бухарест анжуманида фаол қатнашган, Руминия ҳукумати эса галдаги мажлис Тошкентда ўтказилишини ёқлаган эди. Икки мамлакат бундай тadbирга ҳозирлик кўриш борасида биргаликда тажриба орттирди. Руминия томони ЕТБнинг бу йилги мажлисига ҳукумат ва ишбилармон доиралар вакилларидан нуфузли делегация жўнатишини маълум қилди.

Ион Илиеску Ўзбекистон Президентининг таклифларини тўла қўллаб-қувватлашини айтир экан, икки мамлакат қарийб бир вақтда бир хил ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятга тўқнаш келгани, деярли бир хил жараёнларни бошдан кечирганини таъкидлади. Демак, бир-бирининг тажрибасини ўрганиш баробарида, ўзаро ҳамкорлик орқали тараққиётга кўмаклашиш ва ислохотларни қўллаб-қувватлаш ҳам мумкин. Шу нуқтани назардан, Руминия раҳбарининг фикрича, Ўзбекистон Жанубий Европанинг марказий давлати бўлиши Руминияда элчигона очса, бу алоқалар кенгайиши учун янги имкониятлар яратар эди.

Руминия Президенти ҳукуматлараро кенгашининг галдаги мажлисини Бухарестда ўтказиш таклифини айтиди. Унда давлатларимиз раҳбарлари мулоқотида қайд этилган ҳар бир масала мутахассислар томонидан бафуржа кўриб чиқилади ва ўз ечимини топади. Шунингдек, илм-фан ва таълим соҳалари вакиллариининг алоқаларини жонлантириш, жумладан, олий ўқув юртлирининг илмий ҳамкорлигини ривожлантириш, муайян соҳа олимларининг қўшма академик ва технологик тадқиқотларини кўпайтириш мақ-

садга мувофиқдир. Ион Илиеску Ислон Каримовнинг Ўзбекистон ва Руминия халқлари бой тарихий, маданий ва маънавий меросга эга эканлиги, сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш зарурлиги ҳақидаги фикрларини маъқуллар экан, айниқса, маданий сайёҳликка эътибор кучайтириш фойдали бўлишини таъкидлади.

Музокаралар якунида Ислон Каримов ва Ион Илиеску Ўзбекистон ва Руминия Президентларининг Қўшма баёнотиغا имзо чекди. Таъқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари Сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик ҳамда Дипломатик ва хизмат паспортлари бўлган фуқароларнинг визасиз қатнови тўғрисидаги битимларни имзолади.

Шундан кейин ўтган матбуот анжуманида ҳозиргача икки томонлама муносабатлар 12 ҳужжат билан мувофиқлаштириб келинган, яна кўплаб ҳужжатлар тайёрланиш жараёнида ёки маъқулланиш арафасида эканлиги таъкидланди.

Ислон Каримов Руминияни Ўзбекистоннинг ишончли ва узоқ муддатли ҳамкори, деб билишини қайд этди.

Ион Илиеску мулоқотлар сермазмун ўтгани ва фойдали бўлганини таъкидлаб, самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ва Ислон Каримовни Руминияга таклиф этди.

«Дўрмон»даги тadbирлардан кейин Руминия раҳбари Ўзбекистон Бош вазирини Уткир Султонов ҳамроҳлигида Олий Мажлисга ташриф буюрди. Ўзбекистон олий қонун чиқарувчи органи Раисини Эркин Халилов билан суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, парламентлараро алоқаларни кенгайтиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Руминиялик олий мартабали меҳмон пойтахтимиз марказидаги Хотира майдоғида эрк ва тинчлик йўлида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтириб, «Мотамсаро ова» ёдгорлиги пойига гул қўйди. Темурийлар тарихи давлат музейида Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳиноя қилувчи тарихий ашёлар, нодир экспонатларни кўздан кечириб, Фахрий меҳмонлар китобига дастхат битди.

Шу билан Руминия Президенти ташрифининг расмий қисми нўҳоясига етди.  
**Анвар БОБОВ,**  
**ЎЗА мухбири.**

## РУМИНИЯ ПРЕЗИДЕНТИ САМАРҚАНДНИ ЗИЕРАТ ҚИЛДИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Руминия Президенти Ион Илиеску Самарқандга ташриф буюрди.

Олий мартабали меҳмонни Самарқанд аэропортида вилоят ҳокими Ш. Мирзиёев кутиб олди.

Руминиялик меҳмон қадимий Самарқанднинг тарихий обидалари — Улугбек расадхонаси, Биёхоним жомеъ масжиди, Гўри Амир мақбараси ҳамда Сибб бозорини томоша қилди.

— Ўзбекистонда, жумладан, Самарқандда илк бор бўлишим, — деди Руминия Президенти журналистларга берган интервьюсида. — Бу нўҳна шаҳардаги обидалар менда унутилмас таас-

сурот уйғотди. Уларнинг ҳар бири юртингизнинг буюк тарихи, аждодларингизнинг улкан маданий ва илмий салоҳиятига қўйилган абадий ҳайналдир.

Руминия давлат делегациясининг Ўзбекистонга илк расмий ташрифи жуда самарали бўлди. Президент Ислон Каримов билан ўтказилган музокаралар ва имзоланган янги ҳужжатлар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг янада мустаҳкамлашига хизмат қилади.

Ион Илиеску шу кунни Самарқанддан жўнаб кетди.

**Акбар ҚАРШИЕВ,**  
**(ЎЗА).**

# „Биринчилар қатори шайман“

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу ўринда бир парсага эътибор қаратсан. Янги хизмат турини кенг омма орасида тарғиб этиш фақатгина мудофаа ишлари бошқармаси, бўлимларининг вазифаси эмас. Бу борада маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқ-тартибот органлари, ўзини-ўзи бошқарув органларининг мустаҳкам ҳамкорлиги зарур.

Жиззах шаҳар мудофаа ишлари бўлимида «Навбой» маҳалласи фуқаролар йиғинида яшовчи Нусратилла ака Бўстонов ўгли Акбарни етаклаб кириб келди.

— Уғлим: «дада, мени сафарбарлик қақруви резервидаги хизматга олишмоқчи. Бу муқобил хизматга ўхшаган бўлса керак. Мени ҳам армияга боришга яроқли деб тонишган. Бошқалардек бурчимни ўтайман», деди. Қарасам, бу янги хизмат турининг моҳиятини тушунмай, қайсарлик қилапти. Маҳалламизда яқинда бўлиб ўтган йиғилишда унинг мазмун-моҳияти тушунтирилганди. Бу барча ўғлонла-

римизга Ватан олдидаги бурчларини ўташда тенг имкониятлар яратар экан. «Болам, бу муқобил хизматдан кескин фарқ қилади. Ушбу хизмат турида бўлсанг-да, 27 ёшгача Ватан ҳимоясига шай турган ҳисоблансан. Зарур бўлсанг, бу муддат ичида сени ҳам армияга қақриб олишлари мумкин», дея тушунтирдим. «Уғлим бағримда бўларкан», дея онаси ҳам хурсанд. Хуллас, мана бадални тўлаш учун келдик.

Шу ўринда Акбарнинг ҳам фикрларини билишга қизиқдик.

— Очиғи, бошида ушбу хизмат турига тушунмадим. Нета энди армия сафларига боришга яроқли бўлсаму, кўрик-танловда кам балл туپлаганим учун мени аллақандай хизмат турига ўтказишга, дея ўйладим. Кейин билсам, сафарбарлик қақруви резервидаги хизматнинг ҳам нуфузи баланд экан. Мен ҳам фахр билан «юрт ҳимоясидаман», дея айта оламан. Ватанимга бирон-бир таҳдид бўладиган бўлса, унинг ҳимоясига би-

ринчилар қатори шайман, — Қилинаётган сайёҳ-ракатлар, тарғибот натижасида қақрилувчилар, халқимиз янги хизмат турини яхши англашмоқда. Кун сайин шартномалар сони ортиб, бадаллар тўланмоқда. Бу борада «Сайилжойи», «Халқобод», «Навбой» каби маҳаллаларимизда ишлар яхши йўлга қўйилган, — дейди шаҳар мудофаа ишлари бўлимининг сафарбарлик қақруви резервидаги ҳарбий хизмат бўйича масъул ходими катта лейтенант Ҳасан Содиқов.

Вилоят мудофаа ишлари бошқармасига ҳар кунин бўлимлардан янги хизмат турига олинган қақрилувчилар сони, тузилган шартномалар, туپланган бадаллар миқдори ҳақида тезкор ахборот келиб турибди. Уларнинг таҳлили ҳам сафарбарлик қақруви резервидаги ҳарбий хизмат моҳияти чуқур англанаётгани, унга қизиқиш тобора ортаётганини кўрсатапти.

**Капитан Алижон САФАРОВ,**  
**«Ватанпарвар» мухбири.**  
**(Факс орқали).**



Оддий аскар Шавкат Давлатов етук побонлардан. У муддатли хизмат давомида пулемётчиликнинг сир-асрорларини мукаммал эгаллади, десак муболага бўлмайди. Взвод командири катта лейтенант И. Бурхонов ҳамда гуруҳ командири лейтенант Д. Жумановлар ҳам йиғидаги қатъий интилиш ва ҳарбийлик касбига бўлган иштиёқни алоҳида таъкидлаб ўтишди. На-

манганинг Тўрақўрғонда вояга етган Ватан побонининг шу қулардаги мақсади синов имтиҳонларни фақат аъло баҳоларга топшириш.

Суратда: оддий аскар Ш. Давлатов сафдошлари билан навбатдаги машғулот пайтида.

**Александр МРУЧАК** олган сурат.

## ДОСТИГНУТОЕ—НЕ ПРЕДЕЛ

(Оқончание. Начало на 1-й стр.).

ровку. Самое главное, здесь, в армии, я приобрел такие физические качества, как выносливость, силу и ловкость, что очень важно при выполнении учебно-боевых задач.

Также благодаря соревнованию, которое стало неотъемлемой частью боевой учебной подразделения, рядовой Н. Юсупов, как и его соперник по соревнованию рядовой Калдыбек Ембергенов, добился очень весомых результатов и на тактико-специальных занятиях. А с прибытием нового пополнения рядовой Юсупов покказал себя и как хороший нас-

тавник. — Честно сказать, на этой проверке я больше волювался за своего ученика радиотелеграфиста рядового Абдураима Кодирова, — признается опытный специалист Незматжон Юсупов.

Но наставнику не пришлось краснеть за своего воспитанника. Рядовой А. Кодиров по всем предметам получил высокие оценки. Особенно Кодиров отличился во время сдачи контрольной проверки по общественно-политической подготовке. По заслугам и честь. За отличные результаты по ОПП родителям рядового Абдураима Кодирова будет отправлено благодарственное письмо.

Рядовой Незматжон Юсупов не собирается останавливаться на достигнутом.

— Я и мой сослуживцы приложим максимум усилий, чтобы наш воинский коллектив связистов завоевал звание отличного подразделения, — сказал он в завершение нашей беседы.

Что ж, показанные результаты войнами-связистами в ходе контрольной проверки за зимний период обучения говорят о том, что этот коллектив, где служит рядовой Н. Юсупов, близок к намеченной цели.

**Майор**  
**Хайриддин ЗАНИЛОВ.**  
На снимке: отличник боевой и общественно-политической подготовки рядового Незматжон Юсупов.

**Фото лейтенанта Юсуфа ИСАЕВА.**

## ИНТИЗОМ МУСТАҲКАМ БУЛСА

Подполковник Абдусаммад Раззоқов командирлик қилаётган қисмдаимиз. Мазкур жамоада округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари полковник И. Рўзиев бошчилигидаги текширувчилар побонлардан имтиҳон, синовларни қабул қилишмоқда. Ҳозирча барча тайёргарликлар бўйича синовларни юксак натижаларга топшираётган капитан Руслан Бобожонов етакчилигидаги дивизион шунқорлари

олдида. Айниқса, катта лейтенант Азамат Қаршиев, лейтенант Камолиддин Отабуллаев командирлик қилаётган батареялар побонлари синовларга пухта ҳозирлик кўришганини исботлашяпти. Буни шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари — Жўрабек Расулов, Сирожиддин Бегимқулов, оддий аскарлар — Шукур Матқаримов, Исомиддин Каримов, Акмал Зондовларнинг

ютуқларидан ҳам кўриш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, дивизион побонлари синовлар олдида бўлиб ўтган далаўқув машғулотларида ҳам жанговар шайликлари юксак эканлигини намойиш этишганди. Илк ютуқларни таҳлил қилар эканмиз, бунинг асосий омиллардан бири сифатида интизом мустаҳкамлигини ҳис қилдик.

**Капитан Ш. ТЎЛМАСОВ.**

# ХАР КИМ ВА ҲАММА УЧУН - ДЛА ВСЕХ И КАЖДОГО

## ● АСКАРГА МАКТУВ

### Албатта бахтли бўласиз

Хурматли таҳририят ходимлари. Менга «Ватанпарвар» газетасидаги ёшлар учун ажратилган саҳифалар жуда ёқди. Ҳар сафар бу дил изҳорларини ўқиганимда фикр билдиргим келар, бироқ журъат қилолмасдим. Газетанинг унинг апрель сониде берилган кичик сержант Жўрабек Алланазаровнинг «Унга уйланмоқчи эдим» мақоласи мени ушбу мактубни ёзишга ундади.

Жўрабек ака, мен сизга тушуна олмадим. Сиз ўша Х... исмли қизни шунча севар экансиз, нима учун унинг бир маротаба «бошқа келманг» деган сўзи учун йигитлик гурурингизни ишга



солдингиз. Балки у сизни синагандир. Чунки нечта дугоналаримни биламан, ўзларига ёққан йигитни қанча севишмасин, бир оғиз ширин

сўзларига қанча зор қилишди, қаттиқ гаширишди. Чунки бу ҳам йигитни синашнинг бир усули. Қиз боланинг гурури бўлгани, севган йигити билан камроқ гаплашишга ҳаранат қилиши эса унинг ҳаёси, садоқатидан далолатдир. Сиз хатингизда «уни кўрсам тескари қараб ўтадиган бўлдим», дебсиз. Нима, мана шу ҳаранатингиздан кейин ҳам у сизни кутсинми? Бу борада айб ўзингизда. Лекин сизни тушунликка тушмаслигингизни истардим. Нега деганда, келажакингиз ҳали олдинда. Бу келажакда эса Х... дан ҳам гўзал ва оқила қизлар албатта сизга учрайди. Иродангизни қўлга олнинг, албатта бахтли бўласиз.

Салом билан ДИЛШОДА. Андижон.

## Сизга омад тилайман!

Дўстим Жўрабек, севимли газетамиз «Ватанпарвар»да чоп этилган мактубингизни ўқиб, бефарқ туролмадим ва ўз фикримни газета саҳифалари орқали айтишга ошиқдим.

Мактубингиздан билиниб турибдики, сиз софдил, бир сўзли, яна... андаккича қайсарроқсиз. Чуқурроқ ўйлаб кўрилса, сизнинг ҳолатингизда бунчалик тушунликка тушиш ярамайди. Албатта, сизни чин дилдан севиб қолганингизга ишонаман. Дунёда жавобсиз севгидан ёмон нарса бўлмаса керак. Сиз, аввало, Х...нинг «Энди бошқа

келманг» деган гапига аччиқ қилмасдан, ётиги билан суриштириб, изоҳ сўрашингиз керак эди. Чунки «бошқа келманг» деб шунчаки, эрмак қилиб ҳеч қачон гапирилмайди. Аччиқ-тизиқ гаплар муаммога оидликка киритиш ўрнига муносабатларни чигаллаштириб, тушунмовчилик келтириб чиқаради.

Сиз мардик билан Х...га бахт тилайсиз. Бу жуда яхши. Чунки, қандай ҳолатда бўлмасин, астойдил севган кишинга бахт тилашга ўзингда куч топа оласан. Агар ҳақиқий инсон бўлсанг,

«Бошқа қизни севолмасам керак», деган гапингизга келсак, бу — ўткинчи ҳолат. Улур адиб И. С. Тургенев шундай ёзган эди: «Фақат севи билан, фақат у туфайлигина ҳаёт бор ва давом этади».

Қалб аслида арабча сўз бўлиб, «айланувчан», «ўзгарувчан» деган маъноларни берад экан. Вақт барча дардларга малҳам бўла олади. Ажаб эмас, кўнглингизни бундан-да юксакроқ севиши туйғуси забт этса. Сизга омад тилайман!

Шартнома бўйича хизмат сержант Шерзодбек НАСИМОВ.

## ● ТЕСТ

### Оила тинчлигини қандай сақлаш керак?

Сиз кўпича муҳим нарсалар ҳақида ўйлайсизми, масалан, оила масаласида бош қотирасизми? Агар сиз ўзингизни силамоқчи бўлсангиз, турмуш ўртоғингиз билан биргаликда қуйидаги саволларга жавоб тошинг. Кейин натижаларни тақдосланг. Берилган ҳар бир тест саволига 3 та жавоб бор, шулардан ўзингизга мос келганини белгилашингиз керак.

1. Агар сизга яна бир марта умр йўлдошини танлаш имконияти берилса, сиз яна шу одамнинг ўзини танлаган бўлардингиз?  
А. Ҳеч қачон;  
Б. Мен бу ҳақда ўйлаб кўрардим;  
В. Фақатгина уни танлардим.

2. Сизга янги одамлар билан танишиш ёқадими ёки эски дўстларни маъқул кўрасизми?  
А. Менга эски дўстларим ёқади;  
Б. Менга янги одамлар билан танишиш ёқади;  
В. Гоҳида янги дўстлар халақит бермайди.

3. Сизлардан ким кўпроқ оилада банд бўлади?  
А. Менинг эрим (хотиним);  
Б. Табиийки, албатта мен;  
В. Мен уй ишларига эътибор бермайман.

4. Пул ҳақида фикрингиз?  
А. Бу энг керак нарса, фақат етишмайди;  
Б. Бунинг етишмаслиги оилавий масалаларга таъсир этгани мумкин;  
В. Бу асосийси эмас, лекин унингсиз ҳамма нарса ҳам ҳал қилинавермайди.

5. Турмуш ўртоғингиз сизни хурмат қиладими?  
А. Пуқ;  
Б. Менга кўпроқ раҳмат дейишса, яхши бўларди;  
В. Менинг ўзим уни хурмат қилармиканман.

6. Сизнинг эрингиз (хотинингиз) ташқи кўринишингизга эътибор берадими?  
А. Ҳар доим мендан камчилик топади;  
Б. Унга ҳаммаси барибири;  
В. Ҳар доим қизиқади.

7. Рўзгорда олиб бориладими?  
21—30 баллгача: Турмушингиздан (хотинингиз, эрингиз) қониқмайди. Қачондир турмуш ўртоғингизнинг сабр-тоқати тугаши мумкин.  
15—20 баллгача: Умуман сизнинг оилангиз тинч, айрим вақтларда юз берадиган муҳим муносабатлар оилачи муштанимлашга ёрдам беради.  
14 ва ундан паст баллар: Сизнинг турмушингиз жуда яхши. Эр-хотин ўзаро аҳил ва ишончлиқ. Агротдагиларнинг ҳавасини келтирадиган даражада сизларда меҳр-муҳаббат кучли.

Сиз саволларнинг А пунктини танласангиз, 3 балдан белгиланг. Агар Б пунктини танласангиз 2 балдан белгиланг. Агар В пунктини танласангиз 1 балдан белгиланг.

Сўнгра барча баллар жамланади.

21—30 баллгача: Турмушингиздан (хотинингиз, эрингиз) қониқмайди. Қачондир турмуш ўртоғингизнинг сабр-тоқати тугаши мумкин.

15—20 баллгача: Умуман сизнинг оилангиз тинч, айрим вақтларда юз берадиган муҳим муносабатлар оилачи муштанимлашга ёрдам беради.

14 ва ундан паст баллар: Сизнинг турмушингиз жуда яхши. Эр-хотин ўзаро аҳил ва ишончлиқ. Агротдагиларнинг ҳавасини келтирадиган даражада сизларда меҳр-муҳаббат кучли.



ётган ишлардан қониқасизми?

А. Ҳа, шунчаки;  
Б. Ҳа;  
В. Буни рўзгор деб бўлмайди.

8. Қайнона-қайноталарингиз билан муносабатингиз қандай?  
А. Улардан қочингиз ҳар қачон қиламан;  
Б. Уларни хурмат қиламан;  
В. Мен уларни яхши кўраман.

9. Оилангиз билан байрамларни ва дам олиш таътиллари бирга ўтказиш ёқадими?  
А. Бундан ўзгари тасаввур қилолмайман;  
Б. Менга барибир;  
В. Пуқ, бу жуда яхши зерикари ҳордиқ.

10. Сиз ўз уйингиз шинач ва чиройли бўлишини истайсизми, шароитларни яхшилашга интиласизми?  
А. Бундан ҳам муҳимроқ ишларим бор;  
Б. Ҳа, ҳар доим, қачон вақтим бўлганда;  
В. Бу ҳақида гоҳида ўйлайман.

Сиз саволларнинг А пунктини танласангиз, 3 балдан белгиланг. Агар Б пунктини танласангиз 2 балдан белгиланг. Агар В пунктини танласангиз 1 балдан белгиланг.

Сўнгра барча баллар жамланади.

21—30 баллгача: Турмушингиздан (хотинингиз, эрингиз) қониқмайди. Қачондир турмуш ўртоғингизнинг сабр-тоқати тугаши мумкин.  
15—20 баллгача: Умуман сизнинг оилангиз тинч, айрим вақтларда юз берадиган муҳим муносабатлар оилачи муштанимлашга ёрдам беради.  
14 ва ундан паст баллар: Сизнинг турмушингиз жуда яхши. Эр-хотин ўзаро аҳил ва ишончлиқ. Агротдагиларнинг ҳавасини келтирадиган даражада сизларда меҳр-муҳаббат кучли.

Сиз саволларнинг А пунктини танласангиз, 3 балдан белгиланг. Агар Б пунктини танласангиз 2 балдан белгиланг. Агар В пунктини танласангиз 1 балдан белгиланг.

Сўнгра барча баллар жамланади.

21—30 баллгача: Турмушингиздан (хотинингиз, эрингиз) қониқмайди. Қачондир турмуш ўртоғингизнинг сабр-тоқати тугаши мумкин.

15—20 баллгача: Умуман сизнинг оилангиз тинч, айрим вақтларда юз берадиган муҳим муносабатлар оилачи муштанимлашга ёрдам беради.

14 ва ундан паст баллар: Сизнинг турмушингиз жуда яхши. Эр-хотин ўзаро аҳил ва ишончлиқ. Агротдагиларнинг ҳавасини келтирадиган даражада сизларда меҳр-муҳаббат кучли.

И. ИСОҚОВА тайёрлаган.

## ● О РАЗНОМ...

### ЛУЧШЕЕ ВРЕМЯ ЖИЗНИ...

Согласно проведенной в Париже анкете, 70 процентов опрошенных женщин полагают, что в 40 лет еще не поздно «начать жизнь сначала», 72 процента не сожалют о том, что им уже не 20, 90 процентов считают: сейчас они повзлелательны как никогда. Другими словами, после 40 лет наступает лучшее время жизни женщины.

### ГОЛУБИ И МОСТЫ

Голуби, оказывается, могут быть одной из причин разрушения мостов. Собственно, не сами голуби, а их помет. «Я видел на конструкции мостов отложения голубиного помета толщиной примерно 15 сантиметров и даже больше, — сказал Джерри Джонсон, инженер-мостовик из города Питтсбург (штат Пенсильвания, США). — В сочетании с солью, которой зимой посыпают дороги, и с загрязняющими веществами, содержащимися в атмосфере, голубиный помет становится серьезной проблемой». Дело в том, что, взаимодействуя с дождевой водой, помет образует кислоты, достаточно сильные, чтобы разъедать даже стальные конструкции. За несколько десятилетий мост может ослабнуть настолько, что придется ограничить допустимую нагрузку или даже совсем закрыть проезд.

Министерство транспорта Пенсильвании вынуждено будет затратить двести тысяч долларов на очистку от голубиного помета 95 мостов города Питтсбурга и близлежащего округа Бивер. В противном случае ремонт обошелся бы дороже.

Собрал Петр НАГОРНЫЙ.

## ● ФОНДАЛИ МАСЛАХАТЛАР ЯЛПИЗ

Ялпиз эфир мойи, флавоноид ва бошқа моддаларга бой. Янроқларини бир ҳафта давомида истеъмол қилиб, сўнг сузма зардоби ичилса, вена қон томирларини келтиради. Қовургалардаги оғриқни қолдиради, иштаҳани олади.

Меъда заифлиги, ҳижроқ ва сариқ касаллигига қарши яхши восита ҳисобланади. Ялпиз тутатилса, атрофдаги ҳашаротларга қирон келтиради. Тиббиёт йўли билан тайёрланган ялпиз суви кўнгли айничининг олдини олади, овқат ҳазминини яхшилади. Ундаги эфир мойдан ментол олинади. Ментол бурун, нафас йўллари ва тиш оғриқини қолдиришга кўмаклашади.

Халқ таъбабатида ялпиздан тайёрланган қайнатма ёки қуритилган баргидан олинган шира кўтири, бод, меъда, кўрак оғриғи, сариқ, ширинча, йўтал ва бошқа касалликларни даволашда қўлланилади.

Совместное узбекско-российское открытое акционерное общество

«НЕФТЕСЕРВИС»

ИЗВЕЩАЕТ

О ПРОВЕДЕНИИ ГОДОВОГО ОБЩЕГО СОБРАНИЯ АКЦИОНЕРОВ

Собрание состоится 28 апреля 2003 года в 14.00 по адресу: г. Ташкент, ул. Х. Турсункулова, дом 251 (тел. для справок: 74-05-71, 75-58-39).

Начало регистрации — в 10.00.

#### ПОВЕСТКА:

- Отчет представителя правления о результатах финансово-хозяйственной деятельности СУР ОАО за 2002 год и задачах на 2003 год.
- Отчет ревизионной комиссии СУР ОАО о проделанной работе.
- Утверждение бухгалтерского баланса, отчет об итогах аудиторской проверки финансово-хозяйственной деятельности предприятия.
- Распределение прибыли СУР ОАО за 2002 год, порядок и сроки выплаты дивидендов по итогам работы предприятия.

◆ РЕКЛАМА ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ ◆ 56-54-76 ◆ РЕКЛАМА ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ

**ВАТАНПАРВАР**  
Объявления и реклама для опубликования в газете «Ватанпарвар» принимаются в редакции ежедневно с 9.00 до 16.00 (ком.27).  
Адрес: ул. Кунаева, 21 (ориентир гостиница «Россия»).

**ПРОДАЮ**  
◆ Холод., мороз. и шв. маш. Т.: 90-99-29.

**КУПЛЮ**  
◆ Холод., мороз., шв. маш., оверлок, газ. пл., видео, телеаппарат., БК. Т.: 90-73-29, 128-18-98.

**РАЗНОЕ**  
◆ Дочернее предприятие «ЯНТИ ФИКР» Загитинского р-на Ташкентской области ликвидируется. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по адресу: Таш. обл., Загитинский р-н, д-з Узбекистан, кишлак Чигатай-Актепа.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Узбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 22 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек бошқона ва бошқа мажбурий туловларни учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:\*/  
1 АҚШ доллари 966.43  
1 евро 1052.44  
\*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Узбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий туловларни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбурийлигини олмага.

ПОНЕДЕЛЬНИК, 28.04

7.00 «24», Информационная программа.
7.30 «Битлборги».
7.55 «Пауэр Рейнджерс, или Могучие рейнджеры».
8.20 «Джим Баттон».
8.50 «Новый экшнмен».
9.15 «Большие деньги».
10.15 Боевик «Гладиатор».
12.25 Военная тайна.
13.00 «Диалог со всем миром»: «Запретное королевство». Док. фильм. 1-я серия.
13.30 «Вино любви».
14.25 «Народ против».
14.55 «FM и ребята».
15.30 «24». Информационная программа.
15.50 «Граница. Табанный роман».
17.00 «Новый экшнмен».
17.25 «Джим Баттон».
17.55 «Пауэр Рейнджерс, или Могучие рейнджеры».
18.20 «Битлборги».
18.50 «Начальник каруселей».
20.55 «Футурама».
21.20 «Граница. Табанный роман».
22.30 «24». Информационная программа.
23.05 Фильм «Комодо — остров страх».
1.25 «Проект «Отражение»: «Свалка». Док. фильм.
2.30 Ночной музыкальный канал.

ВТОРНИК, 29.04

7.00 «24». Информационная программа.
7.30 «Битлборги».
7.55 «Пауэр Рейнджерс, или Могучие рейнджеры».
8.20 «Джим Баттон». (Заключительная серия).
8.50 «Новый экшнмен».
9.15 «Большие деньги».
10.15 Фильм «Комодо — остров страх».
12.20 Мировые розыгрыши.
12.55 «Диалог со всем миром»: «Запретное королевство». Док. фильм. 2-я серия.
13.30 «Вино любви».
14.25 «Народ против».
14.55 «У нас все дома».
15.30 «24». Информационная программа.
15.50 «Граница. Табанный роман».

17.00 «Новый экшнмен».

17.25 «Джим Баттон». (Заключительная серия).
17.55 «Пауэр Рейнджерс, или Могучие рейнджеры».
18.20 «Битлборги».
18.45 «Веселая компания».
20.55 «Футурама».
21.20 «Граница. Табанный роман».
22.30 «24». Информационная программа.
23.05 Боевик «Путь дракона».
1.45 «Проект «Отражение»: «Кругосветка». Док. фильм.
2.50 Драма «Пещерный человек».

СРЕДА, 30.04

7.00 «24». Информационная программа.
7.30 «Битлборги».
7.55 «Пауэр Рейнджерс, или Могучие рейнджеры».
8.20 «Флинт — детектив во времени». Мультсериал.
8.50 «Новый экшнмен».
9.15 «Большие деньги».
10.15 Боевик «Путь дракона».
12.30 Такая профессия.
13.00 «Диалог со всем миром»: «Запретное королевство». Док. фильм.
13.30 «Вино любви».
14.25 «Народ против».
14.55 «У нас все дома».
15.30 «24». Информационная программа.
15.50 «Граница. Табанный роман».

17.00 «Новый экшнмен».
17.25 «Джим Баттон».
17.55 «Пауэр Рейнджерс, или Могучие рейнджеры».
18.20 «Битлборги».
18.45 «Капитан Правда».
19.20 «Второе дыхание».
